

ОИЛА ТИНЧЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ

СЕМЕЙНЫЙ МИР – ЭТО БЛАГОПОЛУЧИЕ ОБЩЕСТВА

FAMILY WORLD IS THE WELL-BEING OF SOCIETY

*Дилноза Ғуломжоновна Нажимидинова**Анджжон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар”**кафедраси ассистенти*

Аннотация. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Моҳият-мазмунини миллий истиқлол ғоясининг мақсадманфаатлари ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида қарор топиши, эркин фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланишига алоҳида аҳамият берилиши натижасида: бир томондан, жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий парадигмалари шаклланмоқда, бошқа томондан, жамиятда ижтимоий қатламлар ўртасида янги муносабатлар уйғунлиги.

Таянч сўзлар: оила, жамият, урф-одат, оилавий муносабатлар, қадрият, миллат, ижтимоий ҳаёт, никоҳ.

Аннотация. Она направлена на обеспечение приоритета духовных факторов во всех сферах жизни общества. В этом процессе, сущностью которого являются цели и интересы идеи национальной независимости, в результате урегулирования общественных отношений на основе демократических ценностей, вследствие чего особое значение придается укреплению основ свободного гражданского общества: с одной стороны, формируются социально-политические, экономико-духовные парадигмы, характерные для развития общества, с другой - социальная гармония новых отношений между слоями.

Ключевые слова: семья, общество, традиция, семейные отношения, ценность, нация, общественная жизнь, брак.

Annotation. It is aimed at ensuring the priority of spiritual factors in all spheres of society. In this process, the essence of which is the goals and interests of the idea of national independence, as a result of the settlement of social relations on the basis of democratic values, as a result of which special importance is attached to strengthening the foundations of a free civil society: on the one hand, socio-political, economic and spiritual paradigms are formed, characteristic for the development of society, on the other - the social harmony of new relations between the layers.

Key words: family, society, tradition, family relations, value, nation, social life, marriage.

Маълумки, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилалар қанчалик тинч ва тотув бўлса, шундагина давлат тинч ва барқарор равнақ топиши мумкин. Шу жиҳатдан, оила кўрғонининг мустаҳкамлиги ва унда маънавий жиҳатларнинг шаклланиши ҳамда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин оила деб аталмиш муқаддас маконда фарзандлар камолга етади, улғаяди.

Шундай экан, жамиятда юзага келаётган оилалар қанчалик мустаҳкам қурилмоқда, пойдевори чи? Дарҳақиқат, оиланинг барпо этилишида кимлар ёки нималар муҳим роль ўйнайди, ташқи таъсирлар чи? Мавжуд оилалар ва янги барпо этилаётган кичик бир оила ўз мавқеини қанчалик асрамоқда? Оила – муқаддас кўрғон, оила – маънавий камолот маскани ва бошқа бир қанча сўз ва иборалар билан оиланинг мавқеини белгилаймиз. Албатта, жамиятда намунали оилалар талайгина. Намунали оила деганда, оилавий муносабатлар маънавий мезонлар асосида қурилган, яхши ва ахлоқли фарзандлар тарбиялаган, нурли, пиру бадавлат отахон ва онахоналар кўз олдимизга келади. Уларнинг борлиги бошқалар учун ибрат мактабидир. Аммо, афсус, бизни ўйлантирган масала бу – оила кўрғонининг бузилишига салбий таъсир кўрсатаётган бир қанча ташқи ва ички омиллардир. Ташқи омил сифатида ғарбона яшаш тарзининг ўзлаштирилиши бўлса, ички омил сифатида эса, ёшларнинг оилага маънавий жиҳатдан этарли тайёргарликка эгаи бўлмаслик масаласидир [1].

Оила ва оилавий муносабатлар қадимдан инсониятни қизиқтириб келаётган ижтимоий-тарихий ҳодисалардан биридир. Шунинг учун ҳам улар билан фалсафа, социология, иқтисод, ҳуқуқшунослик, этнография, психология, демография, педагогика, тиббиёт каби фанлар шуғулланиб келади. Ушбу фанларнинг ҳар бири ўз соҳаси нуқтаи назаридан оилани тадқиқ этади. Илм-фанда оила ижтимоий институт сифатида жамият билан бирга пайдо бўлган деган қараш шаклланган. Илк тарихий босқич ибтидоий жамиятда оиладаги муносабатлар уруғ ва қабиладаги урф-одатлар ёрдамида бошқарилган. Ахлоқ, илк диний тасаввурлар ва кейинчалик давлатнинг пайдо бўлиши билан, бу муносабатлар ахлоқий, диний ва ҳуқуқий меъёрлар билан йўлга қўйила бошлаган [2].

Маънавий таҳдид сифатида баҳоланаётган ғарбона маданият, ғарбона яшаш, ғарбона муомала, ғарбона ҳаёт тарзи ва ҳоказолар бизнинг муқаддас кўрғонимизга қанчалик салбий таъсир кўрсатаётганини этарли даражада ўйлаб кўрмаймиз. Оддий ҳол сифатида қабул қилаётганимиз турли фильмлар, сериаллар, клиплар аслида шовқинли, жангари, тошбағир бир ҳаёт тарзини бизга инъом этмаётганмикин. Ғарб сериалларида келинини эркалаётган қайнота, турмуш ўртоғини очикдан очик ҳақорат қилаётган хотин ёки унинг эрига хиёнат қилаётган дугона, ярим яланғоч қиздан мамнун она, оиладан халоват топмаган фарзанднинг гиёҳванд моддаларга берилиши ва бошқалар бизнинг

фарзандларимиз тарбиясига, оилавий муҳитнинг носоғлом бўлишига олиб келмасмикин. Аксарият оилалар бундай ҳаёт тарзини қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштирмоқда. Кўп ҳолларда, бизнинг менталитетимизга, яшаш тарзимизга тўғри келадими, йўқми, буни ўйлаб кўрмаймиз [3].

Натижада оилалар арзимас муаммо олдида дош беролмай, энгил элипи, ҳавойи бир нафс қурбонига айланишмоқда. Ғарб таклиф этаётган худбинлик, тошбағирлик, эгоизм каби иллатларни аксарият инсонлар яшашнинг мазмуни сифатида олмоқда. Бунинг оқибатида аёл кимнингдир кўғирчоғига айланмоқда, гўдаклар меҳрдан мосуво ҳолда йтимликка маҳкум этилмоқда. Бу каби мисолларни яна қатор келтириш мумкин. Оила тинчлигига салбий таъсир кўрсатаётган бундай муаммолар аслида ҳар бир виждонли инсоннинг қалб оғриқлари эмасми? Ёнғин чиқса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади деганларидек, оила бузилса, ёинки фарзанд ахлоқсиз чиқса, биргина инсон эмас, атрофдаги инсонлар, борингки, бутун жамият ҳаётига, унинг фаровонлигига, тинчлигига раҳна солинган бўлади. Шундай экан, оила кўрғонини асраш, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун нималарга эътибор бериш лозим. Бизнингча, ҳамма нарсанинг асоси маънавий этукликка бориб тақалади. Ахлоқимизга ташқи жиҳатлар салбий таъсир кўрсатаётган экан, улардан ҳимояланишнинг ягона йўли ҳам маънавий этукликдир. Маънан этук инсон атрофдаги ҳар бир нарсага бефарқ қарай олмайди. Маънан бой инсон ғарбона яшаш, ғарбона маданиятни қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштирмайди, аксинча ўзбекона, миллий хусусиятларимизга уйғунлаштиради [4, 5, 6, 7].

Оила деб аталмиш муқаддас кўрғонни асраб авайлашга интилади. Оиланинг бир бутунлигини ташкил этаётган эр ва хотин маънан бой, ақлан камолга этган бўлса, ҳар қандай зарарли таъсирларни олдиндан кўради ва оиласини ҳимоя қила олади. Айни пайтда, фарзандлар тарбиясига ҳам шу мезонлардан туриб ёндашади [8, 9, 10, 11].

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда тажрибали, кўпни кўрган отахон ва онахонлар ўғити, пурмаъно насиҳатлари, уларнинг ибратли ҳаёт тарзи ҳам муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан олганда, жамиятда юзага келаётган янги оилаларга улар турмуши ибрат бўлса, тажрибасидан ўрганишса, ўйлаймизки, оила янада мустаҳкам ва вояга этаётган фарзандлар тарбияли бўлади. Бинобарин, оила кўрғони маънавий этуклик ва бой тажриба асосида янада мустаҳкамланиб борилади [12, 13, 14, 15, 16].

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўзига хос тараққиёт ва ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда ва бугунги кунда жамиятни ижтимоий-маънавий юксалтириш, оилавий муносабатларни жамиятда тутган ўрнини, мавқеини мустаҳкамлаш, соғлом авлод тарбиясига аҳамият бериш асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда. Ижтимоий муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг,

айникса, оилавий ҳаётни моҳиятини ифодалайди. Оила эса одамларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир. Оилавий бирликда шахслар ўртасида ахлоқий, психологик, жисмоний ва хўжалик-маиший алоқалар содир бўлиб, улар ҳаётда ва мақсадларда умумийликни вужудга келтиради. Баркамол авлодни тарбиялаш-буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир. Баркамол авлодни тарбиялаш икки жиҳат – ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш ва уларни маънавий баркамол этиб вояга етказишни ўзида мужассамлаштиради. Инсон маънавий баркамол бўлиши учун, энг аввало, жисмонан соғлом бўлиши лозимдур. Бу оддий ҳол, аммо у жамиятимиз ривожига – келажакнинг таъминловчи омилдир [17, 18, 19, 20].

Адабиётлар:

1. Ризоуддин ибн Фаҳриддин, Оила, Т., 1991.
2. Авлоний А. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, -Т.: 1992-йил
3. Шер А. Ахлоқшунослик, -Т.: 2012-йил.
4. Н.Аминова. “Одамнинг ижтимоийлашувида маънавиятнинг ўрни” Тошкент. Адабиёт учқунлари. 2017.
5. М.Дехқонов.Н.Аминова Обод турмуш мустаҳкам оила таянчи.Турон Замин зиё. 2015.
6. М.Тилаволдиева, Ш.Холматова, Н.Аминова, М.Мамаджонова. Этика, эстетика ва мантиқ. Қўлланма. Тошкент 2014.
7. Pulatova Odina Khamidovna (2020) “The Peculiarity of Communication in Human Relations”. Eastern European Scientific Journal. Ausgabe 02 92-94.
8. Б.Қосимов Миллий уйғониш. Т. Университет,1993
9. А.Авлоний Танланган асарлар 2-жилд. Тошкент Маънавият, 1998. [2; 22].
10. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.—Ўқитувчи №1992. [3; 28].
11. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. Обряды, связанные с посещением мазаров у женщин Ферганы: традиция и современность //Международный научно-исследовательский журнал. – 2015. – №. 6-4 (37). – С. 72-74.
12. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
13. Abduqayumovna K. M. INTERACTION OF OBJECT, SUBJECT AND SYNERGETIC CATEGORIES IN SCIENTIFIC WORK //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 25-29.
14. Каримова М. Improving technical philosophy and changing human thinking //O ‘zbekiston milliy universiteti xabarlari, 2022,[1/5] issn 2181-7324.

15. Абдуллаев, Улугбек Сайданович, and Рафик Сотволдиевич Атаханов. "ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКО-КИРГИЗСКИХ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ (ПО МАТЕРИАЛАМ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)." *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов* 2 (2014): 120-124.
16. Abdullayev U. S. TRAINING OF HIGHER EDUCATION PEADGOGICAL CADRES IN UZBEKISTAN DURING THE INDEPENDENCE YEARS: PROBLEMS AND SOLUTIONS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 125-129.
17. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
18. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар //XIX-XX аср бошлари. Тарих фанлари док. Дисс. – 2005. – Т. 2006. – С. 5.
19. Абдуллаев У. С. Изучение однонациональных и национально-смешанных семей в сельских местностях Андижанской обл //Новое в этнографии. – 1989. – №. 1. – С. 85.
20. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.